

буйруқ бажариш учун борган билан, ўз рағбати ила савоб умидида борганнинг орасидаги фарқ катта бўлади.

Хандақ уруши мусулмонлар катта сонли душманнинг қамалида турганиларида ва ичкаридан ҳам Бани Қурайза яҳудийларидан хиёнат содир бўлган ўта оғир бир шароитда кечгани учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ана шундай алоҳида махсус топшириқларни бажарадиган кишиларга ҳожатлари кўп тушган. Ана шундай пайтларда Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу ҳаммадан кўра кўпроқ жонбозлик кўрсатганлар. У кишининг бу фидокорликлари Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан муносиб тақдирланган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг Ислом ва мусулмонлар учун, дину диёнат ва ватан ҳимояси учун кўрсатган қаҳрамонликларини ҳисобга олиб, у кишини «Ҳар набийнинг ҳаворийси бор. Менинг ҳаворийим Зубайрдир» деган олий даражали нишон билан тақдирлаганлар. Бу мукофотнинг қадрини яна ҳам ошириш учун уни ягона нусхада таъсис этиб, фақат Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳуғагина топширганлар, бошқа бирор кишига бермаганлар. Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу умр бўйи бу нишонни ёлғиз ўзлари тақиб юрганлар. Ҳамма у кишини «Набийнинг ҳаворийси» деб атар эди. Ҳозир ҳам у киши шундай аталадилар.

«Ҳаворий» сўзи «ихлосли», «мусаффо», «энг яқин дўст» ва «ёрдамчи» деган маъноларни англатади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Ийсо алайҳиссаломга ихлос қилган, у зотга нисбатан кўнгиллари энг мусаффо бўлган ҳамда энг яқин дўст ва ёрдамчи бўлган фидокорларни «ҳаворий» деб атаган. Уларга ўхшаш саодатли кишилар ҳар бир набийнинг уммати ичида бўлган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари ичида ана шундай олий унвонга Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу сазовор бўлганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.